

## ХОРИЖИЙ ТИЛНИ ЎРГАНИШДА ОҒЗАКИ НУТҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ МЕТОДИКАСИ: КРАШЕН НАЗАРИЯСИ АСОСИДА

Давлатова Фируза Камоловна

Nizomiy nomidagi O'zbekiston milliy pedagogika universiteti

E-mail: [asil.2108@mail.ru](mailto:asil.2108@mail.ru)

**Аннотация.** Ушбу мақолада хорижий тилни, хусусан, француз тилини ўрганиш жараёнида оғзаки нутқни ривожлантириш ва тил тўсиқларини бартараф этиш масалалари таҳлил қилинган бўлиб, машхур лингвист Стивен Крашеннинг “Тушунарли инпут ва аффектив омил” назариясига асосланган.

**Калит сўзлар:** «Кайзен» методи, контекстуал ёндашув, аутентик материал, мутуализм.

**Abstract.** This article analyses the development of oral speech and the overcoming of language barriers in the process of learning a foreign language, particularity French, based on the theory of “Comprehensible Input and The Affective Filter” by the renowned linguist Stevin Krashen.

**Keywords:** “Kaizen” method, contextual approach, authentic material, mutualism.

**Аннотация.** В данной статье анализируются вопросы развития устной речи и преодоления языковых барьеров в процессе изучения иностранного языка, а именно французского языка на основе теории «понятного ввода и аффективного фильтра» разработанной известным лингвистом Стивеном Крашеном.

**Ключевые слова:** метод «Кайдзен», контекстуальный подход, аутентичные материалы, взаимовыгодное сотрудничество.

Замонавий глобаллашув шароитида хорижий тилни эгаллаш нафақат коммуникация воситаси, балки шахсий ривожланишнинг муҳим омили ҳисобланади. Бироқ, кўплаб ўрганувчилар узок йиллар давомида тил ўргансаларда, эркин сўзлашишда қийинчиликка дуч келадилар. Бу ҳолат илмий адабиётларда «тил тўсиғи» деб аталади. Анъанавий тил ўргатиш методикалари кўпинча грамматик қоидаларни ёдлаш ва сунъий машқларга асосланган бўлиб, бу эса тилни восита сифатида эмас, балки объект сифатида қабул қилишга олиб келади. Натижада, ўрганувчи назарий билимга эга бўлса-да, амалиётда тилдан фойдалана олмайди.

Ушбу муаммонинг ечимини топиш мақсадида Стивен Крашеннинг [2, 58] лингвистик назариялари таҳлил қилинди. С. Крашен АҚШлик таниқли лингвист бўлиб, у психологик тўсиқ, яъни юқори ташвиш, паст мотивация ва салбий ҳиссий ҳолатлар устида изланишлар олиб борган. Унинг фикрича, талабанинг мотивацияси паст бўлса, «ҳиссий тўсқинлик» кўтарилади ва ва янги тил маълумоти мияга етиб бормайди. Унинг моделини замонавий чет тили таълими тизимида долзарблиги рағбатлантирувчи ва қўллаб-қувватловчи ўқув муҳити яратиш талаби билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларига кўра, оғзаки нутқни ривожлантириш учун куйидаги олтита асосий қоидага риоя қилиш зарур. Ушбу қоидалар бир-бирини тўлдирувчи комплекс тизимни ташкил этади.

1. Тинглаб тушуниш – оғзаки нутқни ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Крашен назариясига кўра [2, 12], тил ўзлаштириш фақат тушунарли материаллар орқали амалга ошади. Бу жараён онгли ёдлашдан фарқли равишда,

онгсиз равишда содир бўлади. Ўрганувчи эшитаётган маълумотнинг камида 70-80 фоизини тушуниши шарт. Агар материал тўлиқ тушунарли бўлмаса, мия маълумотни қабул қилмайди ва ривожланиш тўхтади. Шунингдек, материал ўрганувчига қизиқарли ва эмоционал жиҳатдан ёқимли бўлиши лозим. Мажбурий тарзда ёқмаган контентни эшитиш мотивацияни пасайтиради ва ўрганиш жараёнини секинлаштиради. Агар ўрганувчи мавзуга қизиқмаса, мия маълумотни филтрлаб ташлайди.

2. Такрорлаш механизми – юқори даражадаги билим ва кўникмаларни эгаллашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ушбу ёндашув таниқли спортчилар ва муסיқачилар фаолиятида ҳам кузатилади. Масалан, Зинедин Зидан ёки моҳир пианиночи ҳар куни асосий ҳаракатларни такрорлайди. Тил ўрганишда ҳам бир хил материалларни қайта-қайта такрорлаш механизми ёрдамида уни пухта ўзлаштиришга замин яратади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бир сўз ёки иборани хотирада мустаҳкамлаш ва уни эркин қўллаш учун ўртача 20-30 маротаба такрорлаш (эшитиш) талаб этилади. Бу рақам сўзнинг мураккаблигига ва ўрганувчининг даражасига қараб ўзгариши мумкин. Бу жараён онгли ёдлаш эмас, балки мияда нейрон алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган. Бунда тўлиқ тушунишдан ифодалаш даражасига ўтиш ҳолати юз беради.

3. Кайзен методи орқали стрессни бошқариш – тил ўрганишда ижобий аффектив ҳолат ва узлуксиз кичик ютуқларга эришиш мотивацияни сақлайди. Узлуксиз ютуқлар орқали ўрганаётган тил бирликлари аста-секин ишчи хотирадан узоқ муддатли хотирага ўтади. Ушбу япон методи [3, 37] тил ўзлаштиришда доимий такомиллашувга интилишни назарда тутди. Масалан, «олти ойдан кейин мукамал гапираман» деган мақсад стресс келтиради, аксинча «бугун олти ой олдингига қараганда яхшироқ гапираман» деган фикр ижобий натижа беради.

4. Контекст ёрдамида ўрганиш – маънони тахмин қилиш орқали ўзлаштириш ҳисобланади. Бунда тил ўрганиш жараёни реал ҳаётдаги мулоқотга яқинлаштириш, семантик чуқурлик бериш ва функционал қўллашга ўргатиш каби тамойилларга таянади. Таниқли психоллингвист Ж.Бруне [1, 28] тил ўрганиш жараёнини контекст асосида шаклланади деб ҳисоблайди. Контекстсиз информация фақат механик хотирада сақланади ва тезда унутилади. Чунки тил ижтимоий фаолият воситаси бўлиб, уни ўрганиш ижтимоий контекстда, мулоқот орқали амалга ошади. Зеро сўз ва иборалар прагматик мақсад асосида қўлланилади. Масалан, «касса» сўзини луғатдан эмас, балки харид жараёни тасвирланган матндан контекст орқали англаш мумкин. Агар матнда «Харидор товарларни олиб, тўлов учун кассага йўналди» дейилган бўлса, ўрганувчи «касса» сўзининг маъносини вазиятдан келиб чиқиб тушунади. Бу жараён болаларнинг она тилини ўрганишига ўхшаш табиий механизмдир. Контекст орқали ўрганиш грамматик қоидаларни ҳам онгсиз равишда ўзлаштиришга ёрдам беради.

5. Аутентик материаллар ёрдамида ўрганиш – реал нутқ намуналарини қўллаш демакдир. Дарсликлардаги сунъий тил ўрнига, она тилида сўзлашувчилар ишлатадиган ҳақиқий тилни ўрганиш зарур. Аутентик материаллар, кўп ҳолларда подкастлар, фильм диалоглари, интервьюларда учраб, идиоматик ибораларга, кундалик сўзлашув нормаларига бой бўлади. Расмий курсларда ўргатиладиган «академик» тил кўпинча ҳаётий вазиятларда қўлланилмайди. Идиоматик ибораларни (масалан, француз тилидаги «avoir un poil dans la main» – дангаса,

«sans queue ni tête» – мантиқсиз) тушуниш маданият реалларини англаш учун муҳим ҳисобланади. Агар ўрганувчи фақат китоб тилини билса, реал мулоқотда қийинчиликка дуч келади.

6. Ижтимоий фаол бўлиш – тилни интерактив мулоқот ва мутуализм (ўзаро) орқали ўрганишни жадаллаштиради. Ижтимоий гуруҳларда фаол иштирок этишининг беш асосий афзалликларини Л.Выготский тадқиқ қилиб, қуйидаги тавсияларни берган:

Амалиёт имконияти – ҳатто ўз мамлакатида бўлса ҳам, жамият орқали оғзаки ва ёзма машқ қилиш мумкин;

Маслаҳат ва ёрдам олиш имконияти – тажрибали ўрганувчилардан манбаларни ўрганиш;

Бошқаларга ўргатиш – билимни бошқаларга тушунтириш орқали ўз билимини чуқурлаштириш;

Жамоа орқали мотивация – бошқаларнинг муваффақияти илҳом беради, гуруҳ олдидаги масъулият ташлаб кетишга йўл қўймаслик;

Дўстлик ва қўллаб-қувватлаш – инсон табиатан ижтимоий мавжудот бўлиб, қўллаб-қувватлаш муҳити бахт ва муваффақият гаровидир.

Ушбу олти қоида бир-бирини тўлдирувчи элементлардир. Эшитиш (1-қоида) ва такрорлаш (2-қоида) мияда тил базасини шакллантиради. Кайзен методи орқали стрессни бошқариш (3-қоида) ўрганиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайди. Контекст (4-қоида) ва аутентик материаллар ёрдамида ўрганиш (5-қоида) ўзлаштирилаётган билимнинг ҳаётийлигини кафолатлайди. Ижтимоий фаол бўлиш (6-қоида) эса мотивация ва ижобий эмоцияларни тақдим этади.

Крашен назариясидаги ёндашув анъанавий «грамматика-машқ» усулларида фарқли равишда, тилни восита сифатида эмас, балки мулоқот ва маданият қисми сифатида қабул қилишни назарда тутди. Анъанавий усулларда хато қилишдан қўрқиш кучли бўлса, ушбу методикада хато – ўрганиш жараёнининг табиий қисми ҳисобланади.

Хорижий тилда эркин сўзлашишга эришиш учун нафақат лингвистик билимлар, балки психологик ва методологик ёндашувлар ҳам муҳимдир. Стивен Крашен назариясига асосланган ушбу олти қоида тизими, ўрганувчиларга тил тўсиқларини енгиш, стрессни камайтириш ва тилни табиий муҳитда ўзлаштириш имконини беради. Тил ўрганиш мунтазамлик, ижобий кайфият ва аутентик муҳит муваффақияти уйғунлигини талаб қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Bruner J. S. Acts of Meaning. Cambridge, MA: Harvard Univ. Press, 1990. – 234 p.
2. Krashen S. D. Principles and Practice in Second Language Acquisition. Oxford: Pergamon Press, 1982. – 160 c.
3. Kregel I.; Kaizen in university teaching: continuous course improvement. // International Journal of Lean Six Sigma, 2019, Vol. 10, № 2. P. 36-54.
4. Vygotsky, L. S. (). Mind in Society: The Development of Higher Psychological Processes. Harvard University Press, 1978. – 104 p.
5. Français Authentique. (2011-2023). Podcast Archives on Language Learning Methodology.